

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
 1 июлдан  
 чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 35 (11.596)

Баҳоси эркин нарҳда

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Оқсаройда АҚШнинг Афғонистон ва Покистон бўйича вакили Ричард Холбрукни қабул қилди. Сўхбат чоғида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.
- Тошкентда халқаро VISA компанияси ва «Ўзсаноатқурилишбанк»и вакиллари-нинг ҳамкорликдаги матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда халқаро VISA компанияси ҳамда «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳамкорлигида «Uz NNSS» деб номланган мамлакатлараро ҳисоб тизими жорий этилаётгани ҳақида маълум қилинди. Бу тизим орқали Ўзбекистон банклари мамлакат миқёсидаги ҳисоб-китобларни миллий валютадаги Visa карточкалари орқали амалга оширишлари мумкин бўлади.
- Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги Бирлашган қишлоғида пишиқ гишт ишлаб чиқаришга ихтисослашган, лойиҳа қиймати 117 миллион сўмлик «Ишонч юлдуз нури» корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Ҳозир бу ерда ойига ўртача 250 минг донагача деворбоп материаллар тайёрланмоқда. Янги корхонанинг фаолият бошлаши билан 30 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.
- Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида 252 та қишлоқ врачлик пункти аҳолига тиббий хизматлар кўрсатмоқда. Шулардан 107 таси «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида қад ростлаган махсус биналарга жойлаштирилган. 2006 йилдан буён қишлоқ врачлик пунктлари 1 миллиард 417 миллион сўмлик тиббиёт анжомлари билан таъминланган.
- Навоий шаҳридаги «Шамс-Навоий» кўп тармоқли фирмаси банкдан олинган 880 минг АҚШ долларлик кредит ҳисобига хориждан гипс маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган замонавий технологиялар олиб келди. Мазкур технологик линия ишга тушиши билан бир кеча-кундузда 180 тоннагача қурилиш хом ашёси ишлаб чиқариш имконияти юзага келади ҳамда 30 киши доимий иш ўрнига эга бўлади.
- Гулистонда «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишда менежмент хизматлари тизimini яхшилаш» мавзуида уч кунлик семинар бўлиб ўтди.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

### 2010 йил — Баркамол авлод йили



## ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИ БЎЛУР

Юртбошимизнинг ушбу сўзлари замирида чуқур маъно буржасам. Зеро, етук, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш барчамизнинг бурчимиз. Жорий йилнинг Баркамол авлод йили деб номланиши ҳам бежиз эмас. Таъкидлаш жоизки, Мустақиллик йилларида юртимизда жисмонан соғлом ва маънан етук авлодни вояга етказишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилди. Бундай эътиборнинг замирида эса ёш авлод учун гамхўрлик мавжуд. Бинобарин, келажагимиз бугун вояга етаётган авлодга бевосита боғлиқдир.

бақаларида ғолиб бўлиб, давлатимиз байроғининг баланд кўтарилиши ва мадҳиямиз янграши тимсолида ўз натижаларини бермоқда.

Спорт соҳасида эришайтган ҳар бир ютуғимиз, жисмонан соғлом ва бақувват ёшларимиз орасидан чиқаётган янги-янги иқтидорлар, албатта, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзига бўлган интилиш кучайиб бораётганидан ҳам далолатдир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Болалар спорти жамғармасини тузишдан мақсад фақат чемпионларни тайёрлаш эмас, балки спортнинг ҳар бир оилага кириб боришига эришишдир... Спорт — соғлом авлод, соғлом келажақ демасди. Фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади».

#### Шаҳризода МУҲСИМОВА

(Болалар спорти ривожлантириш ва ёш авлодни соғлом тарбиялаш вояга етказиш, юртимизнинг ёш спортчилари ҳақидаги мақолалар билан газетанинг 3-саноқсарида танишасиз).

Шундан келиб чиққан ҳолда ўсиб келаётган ёшларнинг жисмоний саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзига интилиш ҳиссини синдириш борасида барча шарт-шароитларни яратиш бериши, болалар оммавий спортини ривожлантириш, қолаверса она-Ватанга садоқатли, келажаққа ишонч билан илгариллаётган камил фарзандларни тарбиялаш мақсадида мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Утган вақт ичида мазкур тузилма томонидан амалга оширилган ишлар болалар спортини янада ривожланти-

риш, ўқувчи-ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шугулланиши йўлида асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Жамғарманинг асосий вазифаси этиб, болалар спортини аниқ мақсад йўлида ва барқарор тараққий эттиришга кўмаклашишдан иборат деб белгиланди.

Бугунги кунда кўплаб замонавий спорт иншоотлари қурилиб, мавжудлари таъмирдан чиқарилди ва керакли спорт анжомлари билан жиҳозланди. Соғлом ва ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ёшларимизнинг халқаро спорт мусо-

## ПОЙТАХТИМИЗДА ФАВКУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРГА ОЛИБ КЕЛУВЧИ ХАВФЛИ ЖАРАЁНЛАРНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ВА ПРОГНОЗЛАШ ТАДБИРЛАРИ САМАРАДОРЛИгини ОШИРИШГА БАНИШЛАНГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

Унда Фавкулдада вазиятлар, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирликлари ҳамда республика Гидрометеорология маркази масъул ходимлари иштирок этди. Семинарда Ўзбекистон Республикаси фавкулдада вазиятлар вазири, генерал-майор Қ.Аҳмедов халқимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавкулдада вазиятлардан муҳофаза қилишда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг тегишли фармон ва қарорлари муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Мамлакатимизда фавкулдада вазиятлар чоғида давлат тузилмаларининг ҳамкорликдаги харакатини мувофиқлаштириш ҳамда аҳолини фавкулдада вазиятлардан муҳофаза қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Тегишли корхона ва ташкилотлар иштирокида мавжуд куч ва воситаларнинг шайлигини ошириш мақсадида жойларда ўтказилаётган кўмондонлик ва махсус-тактик ўқув машқлари соҳа ходимларининг билим ва тажрибасини, фуқароларнинг огоҳлик ва ҳушёрлигини оширишга хизмат қилмоқда. Семинарда аҳоли ўртасида фавкулдада вазиятларда тўғри харакатланиш, ас-рофдагиларга ёрдам кўрсатиш, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, ностандарт исти-тиш мосламаларидан фойдаланишга чек қўйиш, хавфли юқумли касалликлар тарқалиши, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасидаги ишларни янада кўчатириш зарурлиги эътибор қаратилди.

## ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР ЎҚУВИ

Пойтахтимизда «Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларининг қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ёшлар матбуот марказлари ва нашрларининг вакиллари, ёш журналистлар учун семинар-машғулот ташкил этилди.

«Ёшлик» талабалар ўқувчасининг «Маънавият ва маърифат» марказида ўтказилган ушбу семинар-машғулотда Қоракўлпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан вакиллар иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларининг қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, «Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари маркази бошқаруви раиси К.Бекназаров Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ёшлар маънавиятини юксалтириш, миллий оммавий ахборот воситаларини қўлаб-қувватлаш, фаолиятини замон талаблари даражасига олиб чиқиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

✓ **«ТОШБОЗОРТАЙЁР-ЛОВСАВДО»** уюшмасида ўтказилган кенгайтирилган маънавият соати «Баркамол авлод — келажагимиз» деб номланди.

✓ **РЕСПУБЛИКА** Маънавият тарғибот маркази ташаббуси билан тилшунослар, маънавият соҳаси вакиллари иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир Халқаро она тили кунига бағишланди.

✓ **МАРКАЗИЙ** Давлат архивига замонавий технологиялар тўхта этилди.

✓ **КЕЧА** Алишер Навоий номли опера ва балет академик Катта театрига келган ёш томошабинлар «Оппоғой ва Миттибой» спектаклини томоша қилишди.

## ЖАҲОНДА

- Украинанинг янги сайланган президенти В.Янукович Олий Радага мuddатидан олдин сайловлар ўтказилмаслигини маълум қилди.
- Доғистоннинг янги президенти М.Магомедов ўз вазифасини бажаришга киришиши муносабати билан мамлакат ҳукумати истеъфога чиқди.
- Грецияда кейинги пайтларда юз берган чуқур иқтисодий инқироз сабабларини ўрганиш мақсадида парламент текшируви бошланди.
- Польша мудофаа вазирлиги АҚШнинг ҳаво ҳужумига қарши мудофаа тизими ҳисобланмиш Patriot ракетааларининг мамлакат ҳудудига жорий йилнинг апрель ойида ўрнатилишини билдирди.
- Покистон Афғонистон билан чегарада назорат-ўтказиш пунктлари сонини кўпайтирди.
- Африка тараққиёт банки китъа мамлакатларида турли-туман лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида ўн миллиард долларлик маблағ ажратди.
- Мадерадаги сув тошқинлари қурбонлари хотираси учун Португалияда уч кунлик мотам эълон қилинди.
- Миср археологлари самарали изла-нишлардан сўнг мамлакат ҳудудидан янги эҳром топишди. Ушбу топилма шу вақт-га қадар аниқланган 119-эҳром бўлиб, унинг бундан 4500 йил илгари қадимги Миср салтанатининг еттинчи сулоласи асосчиси даврига тегишли эканлиги маълум бўлди. Эҳромнинг баландлиги 6 метр бўлиб, у Мисрнинг жануби-шарқий ҳуду-дидан топилган.
- Швейцариялик Петер Кола сув ос-тида узоқ туриш бўйича жаҳон рекор-дини янгилади. Кола ҳеч қандай мос-ламасиз 19 дақиқаю 21 сония даво-мида сув тубида турган. Бу билан 38 ёшли рекордчи илгари қайд этилган шундай рекорддан 19 сония ўзиб кет-ган. Эндиликда Петер Коланинг номи Гиннеснинг рекордлар китобига кири-тилади.
- Ироқнинг ғарбий қисмида амалга оширилган террорчилик ҳаракати нати-жасида 13 киши ҳалок бўлди, 26 та одам турли даражадаги тан жароҳатларини олди.




# Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиалининг асосий вазифаси ёшларга жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун зарур моддий-техник негизни яратиш, улар орасида оммавий спортни кенг ривожлантиришдан иборатдир.

Ҳозирги кунда барча болалар спорт мажмуаларида футбол, баскетбол, волейбол, стол тенниси, бадий гимнастика, турон кураши, велоспорт, камондан ўқ отиш, енгил атлетика, қўл тўпи, бокс, миллий кураш, самбо, дзюдо, акробатика, гимнастрада, спорт гимнастикаси, теннис, каратэ, таэквандо, хапкидо, бадминтон, спорт рақси, бодибилдинг бўйича секциялар, мунтазам фаолият кўрсатиб келмоқда.

2009 йил манзилли дастурига асосан 2 та янги қурилиш, 1 та мусика мактабининг капитал реконструкцияси, 1 та мактабда спорт зали, 6 та сузиш ҳавзасини капитал таъмирлаш бўйича тегишли ишлар вақтида амалга оширилиб фойдаланишга топширилди.

Утган йил давомида 7-18 ёшгача бўлган шаҳар жамоаларининг республика ва халқаро мусобақаларида иштирок этиши учун жамғарма томонидан 3,9 миллион сўм ажратилди. Ёш спортчиларимиз Санкт-Петербургдаги халқаро



## ЧЕМПИОНЛАРИМИЗ САФИ ОШАДИ

Шаҳримизда ёшларимиз ўртасида турли спорт мусобақалари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Шаҳар Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармалари, "Соғлом авлод учун", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ЁИХ, Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти билан ҳамкорликда 481 та турли мусобақа ташкиллаштирилди.

Футбол, волейбол, қўл тўпи, баскетбол, мини-футбол, стол тенниси, сузиш, синхрон сузиш, байдарка ва каноэда эшак эшиш, шахмат, шашка, енгил атлетика, кураш, юнон-рум кураши, эркин кураш, универсал жанг, бокс, армрестлинг, айкидо, таэквандо, гимнастика, спорт гимнастикаси, камондан ўқ

отиш, акробатика, сувга сакраш, батутда сакраш, ракета ва космик макетлаштириш мусобақаларида 86,4 мингдан зиёд ўқувчи иштирок этди, шулардан 34,3 мингини қизлар ташкил этди.

Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари-2009" ўйинларида Тошкент шаҳри жамоаси 297 очко жамғариб, биринчи ўринни эгаллади ва бош соврин — мамлакатимиз Президентининг мусобақа иштирокчиларига йўллаган табриги асл нусхаси ҳамда "Дамас" автомашинаси билан тақдирланди.

Бу эса пойтахт жамоасининг кетма-кет тўртинчи мартаба биринчи ўринни эгаллашидир. Ўғил-қизларимиз бадий гимнасти-

ка, спорт гимнастикаси, енгил атлетика, сузиш, шахмат, волейбол, баскетбол, бўйича мусобақаларда барча босқичларда шохсупани қўлга киритди. Сузиш бўйича жамоа аъзолари Мафтуна Тўхташинова ва Юлдаз Қўчқорова тўрттадан олтин, Алфия Гинаева учта олтин ва кумуш, Камола Солихова иккита кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлишди. Бадий гимнастикачиларимиздан Сарвиноз Солихова ва Азиза Мамажоновалар учтадан олтин медални қўлга киритишди.

Ишонамизки, Баркамол авлод йилида ютуқларимиз бунданда кўп бўлиб, чемпион ёшларимиз сафи ҳам ортади.

Хайрулла ҚИЛИЧЕВ

### Болалар спортни

## БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИГА МУНОСИБ ҲИССА

ҳамда Наманган, Фарғона, Самарқанд, Чирчик, Чуст, Марғилон шаҳарларида ўтказилган турнирларда муваффақиятли қатнашди.

Бугунги кунда 16 та болалар спорт мажмуасида фаолият кўрсатаётган 335 та спорт секциясида 7347 нафар ўсмир шуғулланмоқда. Уларга 87 нафар малакали мураббий спорт сир-асорларидан сабоқ бермоқда.

Спорт мажмуаларига яқин жойлашган 121 та таълим муассаса бириктирилган бўлиб, 23,9 мингга яқин ўқувчи бу ерда жисмоний тарбия дарсида ва дарсдан ташқари вақтларда спорт билан машғул бўлмоқда.

Ўсмирлар айниқса баскетбол, стол тенниси, камондан ўқ отиш, акробатика, гимнастрада, спорт гимнастикаси ва рақсига катта қизиқиш билдираётган.

Жамғарма томонидан кўплаб хайрия тadbирлари ўтказиб келинади. Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган байрам тadbир доирасида "Кувнок стартлар", стол тенниси, шахмат ва шашка спорт турлари бўйича кам таъминланган оила фарзандлари ва меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида мусобақалар уюштирилди. Ҳолиб ва совриндорлар жамғарманинг фахрий ёрлиги ва совғалар билан тақдирланди.

Ўқувчиларнинг ёзги дам олишини самарали ташкил этиш учун "Ёз-2009" спорт мусобақалари 3 босқичда уюштирилиб, уларда икки мингга яқин нафар бола қатнашди.

36 та мактаб қошидаги ҳамда шаҳар ташқарисидаги 21 та соғломлаштириш оромгоҳига спорт анжонлари топширилди.

Бундан ташқари, Тошкент вилоятининг Бўстонлик, Ангрэн ва Паркент туманларида жойлашган "Алоқачи", "Радуга", "Нурафшон", «Коинот», «Фазо», "Машъал", "Алгоритм", "Стрельцов", "Белдерсой", "Зилола", "Сокол" болалар соғломлаштириш оромгоҳларида Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси шаҳар филиали томонидан спорт мусобақалари ташкил этилиб, уларга 1200 дан ортиқ болалар жалб этилди.

Утган йил мобайнида жамғарманнинг бевосита ташаббуси ва ҳомийлигида 513 та турли мусобақалар ўтказилди. Қизлар ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида болалар спорт мажмуаларида ҳафталик ҳар шанбасида "Очиқ эшиклар куни" ташкил этилиб, оилавий спорт мусобақаларини уюштиришга аҳамият қаратилмоқда. Ушбу мақсадларга 131,9 миллион сўмлик спорт кийимлари ажратилди.

Баркамол авлод йилида келажак авлодга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш йўлида ҳар бир соҳа ходимига катта масъулият юклатилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, жамғарма томонидан жорий йилда биттадан болалар спорт иншооти ва спорт зали қурилиши, бундан ташқари, мусика санъат мактаби қурилиши ва бештасини қайта реконструкция қилиш, бешта сузиш ҳавзасини капитал таъмирлаш режалаштирилди. Мақсад эса баркамол авлодни вояга етказишга муносиб ҳисса қўшишдир.

Шоира МУҲАМЕДОВА

## ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Бектемир туманида ўтказилган «Очиқ эшиклар куни»да 289-, 290-, 291-, 292- ва 293- мактаб ўқувчилари спорт мажмуаларида бўлишиб, уларда яратилган шарт-шароит ва имкониятлар билан танишиб, қизиққан спорт тўғрқларига ҳам ёзилди.

авлодни спортга ошно қилиш, дунё ареналарида юртимиз байрогини юқори кўтарадиган ёшларни тарбиялашдан иборат. Қолаверса, барча фанларни аъло даражада ўзлаштиришда ўқув-

чига спорт билан шуғулланиш катта ёрдам беради. Ҳозирга қадар ўтказилган чора-тadbирлар натижасида 2 мингга яқин ёшлар спорт тўғрқларига аъзо бўлди. "Туркистон-пресс"

### Мусобақалар

## СОҒЛОМЛАШТИРИШ СПАРТАКИАДАСИ

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси томонидан ёшлар орасида спортни оммалаштириш йўлида кўплаб хайрли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Яқинда жамғарманнинг етти йиллиги муносабати билан халқ таълими ходимлари ўртасида "Соғломлаштириш спартакиадаси" ўтказилди.

Мазкур соғломлаштириш турнири Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ҳамда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Иштирокчилар спортнинг футбол, волейбол, арқон тортиш, шахмат, шашка ва стол

теннис каби турлари бўйича ўзаро беллашишди.

— 60 дан ортиқ иштирокчи бор куч маҳоратини кўрсатиб, жамоаларининг голиб чиқишига ҳисса қўшишга интилди, — деди Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими етакчи мутахассиси Маҳбуба Қурбонова. — Уларнинг ҳар бири жамғарма томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шаҳноза МАҲМУДОВА

## ДАСТУР ДОИРАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий педагогика институтининг доирасидаги ўтказилган республика анжумани «XXI асрда шахс камолоти муаммолари» деб номланди.

Унда олий таълим муассасаларининг "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасидаги вазифалари ҳамда таълим тизимидаги ислохотларнинг янги босқичида баркамол шахс тарбиясини таъминлашга йўналтирилган масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари шахс камолоти учун яратилаётган шароитлар, хусусан таълим тизимида кечаётган ислохотлар баркамол авлодни шакллантиришнинг маънавий-иқтисодий ва ижтимоий-ҳуқуқий омилларига таянган ҳолда соҳа ходимларининг касбий малака ва педагогик маҳоратини кучайтириши тақозо этмоқда.

Тadbирда баркамол шахсни тарбиялашда жамиятнинг барча институтлари масъул бўлиб, ушбу жараённинг самарадорлигини таъминлашда улар бевосита ёки билвосита иштирок этиши алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, тadbирда "Баркамол авлод фаровонлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши", "XXI аср баркамол авлодни шакллантириш асри", "Шахс назарисига замонавий ёндошув" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

## СИЗ ТАРИХНИ БИЛАСИЗМИ?

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган "Сиз тарихни биласизми?" кўрик-танловининг Ҳамза тумани босқичи бўлиб ўтди.

Ушбу танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ёш авлодни ўз тарихини мукаммал ўрганган, билимдон фарзандлар қилиб тарбиялаш, уларни халқимиз ўтмиши, бой тарихимиз тўғрқсидаги дунёқарашини тўғрқ шакллантиришга қаратилган.

Ўз келажакига, миллатининг тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар қандай йигит-қиз мукаммал билим олишга, ўзи истиқомат қилаётган юртининг юксалишига имкон қадар ҳисса қўшишга ҳаракат қилиши табиий. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу танлов эса ўқувчиларни ўзбек давлатчилиги шаклланиши ва ривожланишига оид билимлари кенгайтириш ҳамда она Ватани тарихини чуқур англашига хизмат қилмоқда.

Танловнинг биринчи босқичида 9-синф ўқувчиларидан иборат 28 та жамоа қатнашган бўлса, туман босқичида улар тўрт худудга бўлинган ҳолда ўз билим ва кўникмаларини намойиш этди.

— Юртимиз тарихини чуқур ва теран англаб етмоғимиз зарур, — дейди тadbир иштирокчиси Омина Бобонова. — Кўрик-танловда иштирок этиш учун жамоамиз билан катта тайёргарлик кўрдик. Лекин ҳали жуда кўп ўқимиз ва изланишимиз зарур.

Танловда 152 мактабнинг "Мозийдан садо" жамоаси голиб бўлди ва шаҳар босқичига йўлланма олди.

### Санъат

## ЧИНАКАМ ИЖОДИЙ ЛАБОРАТОРИЯ

«Ўзбек давлат цирки» ижодий бирлашмаси тузилганига 18 йил тўлди. Ўша пайтда ордан кўп ўтмай «Саҳнада цирк» дирекцияси иш бошлади. Қўрилган бу тadbирлар мамлакатимизда замонавий цирк санъатини оммалаштиришда муҳим ўрин тутди.

Чиндан ҳам шу йиллар мобайнида кўп йиллик тарихга эга бўлган миллий цирк санъатининг замонавий йўналишида кўплаб ютуқларга эришилди. Чет элларга уюштирилган ижодий сафарлар ҳам муваффақият қозонди.

Эндиликда цирк санъати йирик ижодий лабораторияга айланди. Ижодий жамоа янги қизиқарли томоша дастурини ҳам тайёрлади.

## МАДАНИЯТ САРОЙИ — ФОЛИБ

Маданият саройлари ўртасида уюштирилган республика танлови голиблари аниқланди. Ушбу беллашувда Марказий темирйўлчилар маданият саройи ҳам фаоллик кўрсатиб, яхши натижани қўлга киритди. Саройда ташкил этилган бадий студия ва ансамбллар фаолияти ҳам муносиб тақдирланди.

Тadbиркорлик билан иш олиб боргани учун маданият ўчоғининг бош директори Шухрат Воҳидовга «Йилнинг энг фаол маданият саройи раҳбари» сертификати топширилди.

Бундан руҳланган маданият саройининг ижодий жамоалари жорий йилда ҳам темирйўлчиларга намунали маданий хизмат кўрсатишга бел боғладилар. Акбар АЛИЕВ



